

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ ФАРРУХ АДАМБАЕВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD)
in economics sciences**

Ибрагимов Фаррух Адамбаевич

Кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини тажомиллаштириш.....	3
--	---

Ибрагимов Фаррух Адамбаевич

Совершенствование экспортной деятельности субъектов малого бизнеса.....	29
---	----

Ibragimov Farrukh Adambaevich

Improving the export activities of small businesses	55
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works	59
-------------------------------	----

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ ФАРРУХ АДАМБАЕВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt788 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафуров Убайдулло Вахабович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Суюнов Дилмурод Холмуродович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Умаров Илхомжон Юлдашевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технологиялар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамили илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-й. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-60-01; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-й. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-72; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» куни тарқатилди.

(2021 йил «_____» даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.П. Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М. Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес субъектлари томонидан ижтимоий-иктисодий функцияларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларининг яратиб борилиши соҳанинг иқтисодиётдаги тутган ўрни ва аҳамиятининг тобора кенгайиб боришига имкон яратмоқда. Натижада кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг экспорт фаолиятининг фаоллашув жараёнлари намоён бўлмоқда. Экспертларнинг баҳосига қўра, “саноат экспортида кичик ва ўрта корхоналарнинг улуши Германия ва Нидерландияда 40% атрофида, Италияда тахминан 20-25%, АҚШ ва Японияда 15%ни ташкил этади”¹. Глобал рақобатнинг қучайиши шароитида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини кенгайтириш соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини такомиллаштириш борасида муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Глобал рақобат шароитида кичик бизнес экспорт фаолиятидан миллий рақобатбардошликни ошириш воситаси сифатида фойдаланиш, соҳа экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизmlарини яратиш, кичик бизнес экспорти учун фаолият ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда қулай муҳит яратиш, экспорт инфратузилмаси фаолиятининг мослашувчан тизимини таъминлаш, рақамли платформаларга ўтказиш, экспорт фаолиятини рағбатлантиришда кичик бизнес субъектларининг ташабbus ва фаоллигини таъминловчи иқтисодий механизmlарни йўлга қўйиш муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ҳаётини циклининг нисбатан кейинги поғоналарига ўтилиши эндиликда соҳа имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳамда унинг таркибий тузилишини янада такомиллаштириш, экспорт фаолиятдаги иштирокининг кенгайтирилишини ҳам тақозо этмоқда. Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви, жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви кичик бизнес корхоналарининг нафақат ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиш, балки йирик хўжалик юритувчи субъектларга муносиб рақобатчи бўлиши учун ҳам янги имкониятларни очмоқда. Бироқ, ушбу йўналишда сезиларли натижаларга эришиш учун кичик бизнес субъектларини давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланиши, биринчи навбатда тегишли шарт-шароитларнинг яратиб берилиши муҳим ҳисобланади. Шунга қўра, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида “Экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб этиш борасида ҳам бошлаган ислоҳотларимиз қатъий давом эттирилади”². Юқоридаги фикр-

¹ Кучуков Р.Р. Малый и средний бизнес: проблемы, тенденции, перспективы и стратегии выхода на международный рынок. - <https://core.ac.uk/download/pdf/287382436.pdf>

² Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутки. 20.08.2021. - https://uz.aуз/uz/posts/tadbirkorlikni-zhadal-va-yanada-keng-rivozhlanirish-uchun-barcha-sharoitlarni-yaratish-eng-muhim-vazifamizdir_294814

мулоҳазалардан кўринадики, янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар шароитида кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятида иштирокини кенгайтириш мухим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон «Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 21 октябрдаги ПФ-6091-сон «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4949-сон “2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 13 июлдаги ПҚ-5184-сон “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 июлдаги ВМҚ-429-сон “Божхона маъмуриятчилиги ва тартиб-таомилларини янада соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 6 майдаги ВМҚ-373-сон “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳукуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес фаолиятининг турли жиҳатлари хорижий мамлакатларнинг кўплаб олимлари, жумладан, А.Смит, Р.Андерсон, Ж.Б.Сэй, Ж.Вальн, Р.Кантильон, Г.Гарвен, А.Маршалл, Й.Шумпетер, Ж.Кейнс, Р.Хизрич, М.Питерс, Ф.Хайек, М.Г.Лапуста, Ю.Л.Старостин, М.М.Хайт, Г.Н.Власов, А.М.Желтов, Ж.Йохансон, П.Жулиен, С.Линделл, Ф.Сгобби, Л.Уэлыш, М.Фуджита ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес соҳаси ривожланишининг турли масалалари С.С.Агзамхўжаев, А.М.Алимов, У.Алимов, А.А.Амбурцумян, У.Р.Валижонова, Қ.Муфтайдинов, А.Д.Расулмуҳаммедов, И.Б.Рустамова, С.К.Салаев, Д.В.Тростянский, И.Э.Турсунов, Ш.Р.Холматова, А.А.Худояров, Э.М.Эргашева, У.В.Ғафуров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш масалалари Р.Алимов, А.Алимов, Я.Карриева, А.Исажанов, А.Расулов, Н.Сирожиддинов, Г.Хачиев, С.Чепель ва бошқа қатор олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Республикамизда кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокининг турли жиҳатлари У.Азизов, У.Алимов, А.Ахмедиева, В.Батурина, Э.Жуманов, А.Расулмухаммедов, Г.Султанова, Л.Мингишов, Т.Мамаджанова, Х.Қодиров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган. Бироқ, уларнинг аксарият қисми аниқ иқтисодий фанлар нуқтаи-назаридан тадқиқ этилган бўлиб, муаммоларнинг амалий, татбиқий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган. Масалан, А.Расулмухаммедов кичик корхоналар мисолида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш муаммоларини кўриб чиқсан бўлса, Г.Султанова ва Л.Мингишов Ўзбекистондаги кичик бизнес субъектлари ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишини рағбатлантириш масалаларини халқаро иқтисодий муносабатлар, Т.Мамаджанова, Х.Қодиров экспортини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан тадқиқ этганлар¹. Шунга қарамай, мазкур тадқиқотларда кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти иқтисодий механизmlарини такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иктисодий ривожланишини прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича илмий-услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

глобал рақобатнинг кучайиб бориши шароитида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятнинг аҳамияти ва асосий тамойилларини илмий жиҳатдан асослаш;

кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг иқтисодиётда амалга

¹ Расулмухаммедов А.Д. Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш (кичик корхоналар мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертацияси. – Т., 2002. – 150 б.; Султанова Г.К. Стимулирование развития внешнеэкономической деятельности субъектов малого бизнеса в Узбекистане. 08.00.09 – Мировая экономика и международные экономические отношения. Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук. Т., 2007.; Мингишов Л.Ў. Ўзбекистоннинг экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари. 08.00.09–Жаҳон иқтисодиёти. И.ф.ф.д илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. – Т., 2019.; Мамаджанова Т.А. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш. 08.00.11–Маркетинг. И.ф.ф.д илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. – Т., 2019.; Қодиров Х.Т. Тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини халқаро маркетинг стратегиялари асосида ошириш», 08.00.11 – Маркетинг. И.ф.ф.д илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. – Т., 2019.

оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва туб ислоҳотлар билан боғлиқлиги жиҳатидан ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

бозор ислоҳотлари шароитида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;

иқтисодий фаолият турлари бўйича худудлар кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини кенгайтиришнинг асосий йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш;

кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини кенгайтириш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, монографик баён усули, иқтисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларни таққослаш ва гурухлаш, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятига потенциал таъсир даражасини баҳолаш услуби тармоқдаги бандлик, хом-ашё ва материал тежамкорлиги ҳамда инновацияларни жорий этиш орқали экспорт ҳажмини ошириш жиҳатидан такомиллаштирилган;

кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича умумий иқтисодий салоҳият ҳамда экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаларини ўзаро таққослаш орқали худудлардаги экспортни ривожлантириш йўналиш ва имкониятларини аниқлаш таклифи асосланган;

кичик бизнес корхоналари экспорт фаолияти жараёнлари асосий босқичларидаги харажатларининг тармоқ бўйича белгиланган намунавий-тавсиявий меъёрлари орқали самарадорлиги аниқлаш ҳамда уни меъёрий даражага етказиш асосида экспорт фаолиятини такомиллаштириш таклифи асосланган;

кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун толлинг операцияларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш, сертификатлаш ҳамда экспорт фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

илмий манбалар тадқиқи асосида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланган ва гурухланган;

кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий асослари ўрганилган ҳамда бу борада муаллиф ёндашувини ишлаб чиқиши орқали такомиллаштирилган;

кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоғини ҳисоблаш усуллари таклиф этилган;

Ўзбекистонда ҳудудлар кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан иқтисодий фаолият турлари бўйича фойдаланиш даражаси баҳоланган;

кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-куватлаш тизимини хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг хорижий ва миллий олим ва мутахассисларнинг мазкур муаммога нисбатан назарий-услубий ёндашув ва қарашларига мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг статистик маълумотлари ва даврий ҳисботларидан олингани, тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган асосий таклиф ва тавсиялардан кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини такомиллаштиришга оид тадқиқотларнинг илмий-услубий аппаратини ишлаб чиқиши, мавзуга оид илмий-тадқиқотларни амалга оширишнинг услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини меъёрий-ташкилий жиҳатдан тартибга солиш, тармоқ ва ҳудудий дастурларни такомиллаштириш, соҳани янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий таклиф ва тавсиялар асосида:

кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятига потенциал таъсир даражасини баҳолашнинг тармоқдаги бандлик, хом-ашё ва материал тежамкорлиги ҳамда инновацияларни жорий этиш орқали экспорт ҳажмини ошириш жиҳатидан такомиллаштирилган услубидан “Кимё саноатида экспорт

фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”ни ишлаб чиқиша фойдаланилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 5 апрелдаги 16-2024-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида кимё саноатида фаолият юритаётган кичик саноат корхоналарининг экспорт фаолиятидаги иштирокини фаоллаштириш ва кенгайтиришнинг имкониятларини баҳолашда услугубий асос яратилган;

кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича умумий иқтисодий салоҳият ҳамда экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаларини ўзаро таққослаш орқали худудлардаги экспортни ривожлантириш йўналиш ва имкониятларини аниқлаш таклифидан “Кимё саноатида экспорт фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”ни ишлаб чиқиша фойдаланилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 5 апрелдаги 16-2024-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида мамлакатимиз худудлари бўйича кимё саноатида фаолият юритаётган кичик саноат корхоналарининг экспорт фаолиятидаги иштирокини янада ошириш имкониятлари ва йўналишларини аниқлаш имкони яратилган;

кичик бизнес корхоналари экспорт фаолияти жараёнлари асосий босқичларидаги харажатларнинг тармоқ бўйича белгиланган намунавий-тавсиявий меъёрлари орқали самарадорлиги аниқлаш ҳамда уни меъёрий даражага етказиш асосида экспорт фаолиятини такомиллаштириш таклифидан “Кимё саноатида экспорт фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”ни ишлаб чиқиша фойдаланилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 5 апрелдаги 16-2024-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида кимё саноати таркибидаги кичик корхоналарнинг экспорт фаолияти самарадорлигини таъминлашда асосий жараёнлари кесимидағи ҳолатни алоҳида баҳолаш ҳамда бу борадаги юқори қўрсаткичларга эришилган корхоналар тажрибасини умумлаштириш асосида экспорт фаолиятини янада такомиллаштириш йўлларини аниқлаш имкони яратилган;

кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун толлинг операцияларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш, сертификатлаш ҳамда экспорт фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш таклифидан “Кимё саноатида экспорт фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”ни ишлаб чиқиша фойдаланилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 5 апрелдаги 16-2024-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида кимё саноати таркибидаги кичик бизнес корхоналарининг толлинг операцияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, экспорт фаолиятининг ривожланишида қулай шарт-шароитлар яратиш, жумладан, сертификатлаш жараёнларининг соддалаштириш, инфратузилма жиҳатидан қўллаб-куватлаш самарадорлигининг ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий – амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 154 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари изоҳлаб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари**» номли биринчи бобида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, экспорт фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услугий асослари тадқиқ этилган.

Диссертация ишида тадқиқотчи томонидан кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини шартли равишда кичик бизнеснинг экспорт фаолиятига ёрдам берувчи ҳамда тўсқинлик қилувчи тавсифдаги гуруҳларга ажратилди. Экспорт фаолиятига ёрдам берувчи хусусиятларни кичик бизнеснинг иқтисодий вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда тавсифлаш таклиф этилди. Мазкур ёндашув асосида кичик бизнеснинг экспорт фаолиятига кўрсатилиши мумкин бўлган таъсир мазмуни ва тавсифини қўйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (1-жадвал).

Шунингдек, тадқиқот жараёнида кичик бизнес субъектларининг асосий фаолият тавсифидан келиб чиқсан ҳолда экспорт фаолиятига тўсқинлик қилувчи қатор сабаблар аниқланди. Жумладан:

кичик бизнес корхоналарида ТИФ учун масъул бўлган (валюта қонунчилигини ўрганган, барча хужжат шаклларини билган ва ҳ.к.) ходимнинг мавжуд бўлмаслиги, логистик занжирни ишлаб чиқишдаги ноаниқлик;

хорижлик ҳамкор (контрагент)ларни топишнинг қийинлиги;

кичик корхона эгаларининг ТИФни юритишида кўпинча ўзларининг мажбуриятларига етарли баҳо бермаслиги;

кичик бизнес корхоналарида ТИФ масалалари бўйича билим ва ахборотларнинг етишмаслиги ва ҳ.к.

1-жадвал.

Кичик бизнеснинг иқтисодий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг экспорт фаолиятига кўрсатилиши мумкин бўлган таъсир даражасини баҳолаш¹

Кичик бизнеснинг иқтисодий вазифалари	Экспорт фаолиятига таъсир мазмуни	Экспорт фаолиятига таъсир даражаси (Т)
Кўшимча (янги) иш ўринларини яратиш	Яратилган кўшимча иш ўринлари хисобига экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши	$T_{КИУ} = \frac{\mathbb{M}X_{КИУ}}{\mathbb{M}X_y} \times 100\%$ бу ерда: $T_{КИУ}$ - кўшимча (янги) иш ўринларини яратишнинг экспорт фаолиятига таъсири; $\mathbb{M}X_{КИУ}$ - кўшимча (янги) иш ўринларини яратиш хисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми; $\mathbb{M}X_y$ - умумий экспорт маҳсулоти ҳажми
Иккиласмчи бандликни таъминлаш	Иккиласмчи бандликни ошириш хисобига экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши	$T_{ИБ} = \frac{\mathbb{M}X_{ИБ}}{\mathbb{M}X_y} \times 100\%$ бу ерда: $T_{ИБ}$ - иккиласмчи бандликнинг экспорт фаолиятига таъсири; $\mathbb{M}X_{ИБ}$ - иккиласмчи бандлик хисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми
Маҳсулот (иш, хизмат)нинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириш	Янги экспортбоп маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ёки юкори сифатни таъминлаш хисобига экспорт ҳажмининг ошиши	$T_{ЯМ} = \frac{\mathbb{M}X_{ЯМ}}{\mathbb{M}X_y} \times 100\%$ бу ерда: $T_{ЯМ}$ - янги экспортбоп маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқарилсанг экспорт фаолиятига таъсири; $\mathbb{M}X_{ЯМ}$ - янги экспортбоп маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш хисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми
Фан-техника тараққиёти ютукларини ишлаб чиқаришга жорий этиш	Ишлаб чиқаришда инновацияларни кўллаш хисобига экспорт ҳажмининг ошиши	$T_{И} = \frac{\mathbb{M}X_{И}}{\mathbb{M}X_y} \times 100\%$ бу ерда: $T_{И}$ - ишлаб чиқаришда инновацияларни кўллашнинг экспорт фаолиятига таъсири; $\mathbb{M}X_{И}$ - ишлаб чиқаришда инновацияларни кўллаш хисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми
Маҳаллий хом-ашёларни ўзлаштириш ҳамда йирик корхоналарнинг саноат чиқитларини қайта ишлаш	Ишлаб чиқаришда маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқитларидан фойдаланиш хисобига экспорт ҳажмининг ошиши	$T_{ХА} = \frac{\mathbb{M}X_{ХА}}{\mathbb{M}X_y} \times 100\%$ бу ерда: $T_{ХА}$ - хом-ашёларни ўзлаштириш ҳамда саноат чиқитларини қайта ишлашнинг экспорт фаолиятига таъсири; $\mathbb{M}X_{ХА}$ - хом-ашёларни ўзлаштириш ҳамда саноат чиқитларини қайта ишлаш хисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми
Йирик ишлаб чиқариш учун самарасиз бўлган буюм, бутловчи қисмлар ва жараёнларни ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш	Йирик корхоналар фаолиятида кооперация асосида иштирок этиш хисобига экспорт ҳажмининг ошиши	$T_{К} = \frac{\mathbb{M}X_{К}}{\mathbb{M}X_y} \times 100\%$ бу ерда: $T_{К}$ - йирик корхоналар фаолиятида кооперация асосида иштирок этишнинг экспорт фаолиятига таъсири; $\mathbb{M}X_{К}$ - йирик корхоналар фаолиятида кооперация асосида иштирок этиш хисобига ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулоти ҳажми

¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Тадқиқот давомида кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятидан фойдаланишни баҳолашнинг хорижий мамлакатларда амалга оширилган услубларини таҳлил қилиш асосида қуидаги қатор мулоҳазаларни илгари суриш мумкин:

- 1) баҳолаш жараёнларининг аксарият ҳолларда экспертларнинг субъектив қарашларига боғлиқлиги ва бунинг олинадиган натижалар ишончлилик даражасига салбий таъсири;
- 2) айрим мезонлар ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг мавҳумлиги, уларни қиймат орқали микдорий баҳолаш муаммоларининг вужудга келиши;
- 3) баҳолаш натижасида чиқариладиган хulosаларнинг умумий тавсиф касб этиши, улар асосида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишнинг мушкуллиги ва х.к.

Шунга кўра, мазкур тадқиқот доирасида худудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш услубини ишлаб чиқиши мухим аҳамият касб этади. Бу борада муаллифлик ёндашуви асосида ишлаб чиқилган баҳолаш услубининг амалга ошириш босқичларини қуидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал.

Худудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш услубини амалга ошириш босқичлари¹

Босқичлар	Бажариладиган ишнинг қисқача мазмуни
1-босқич	Баҳолаш услубининг назарий-услубий гипотезасини шакллантириш.
2-босқич	Худудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашда кўлланилувчи кўрсаткичларни аниқлаб олиш.
3-босқич	Худудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашда кўлланилувчи кўрсаткичларни хисоблаш усувларини ишлаб чиқиш.
4-босқич	Ҳар бир худуддаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоғини аниқлаш.
5-босқич	Ҳар бир худуддаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоғининг ўртача геометрик қийматини аниқлаш.
6-босқич	Худудлардаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоқлари кўпайтмасининг ўртача геометрик қийматлари асосида худудлардаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолият турлари бўйича интеграл рейтингини шакллантириш.
7-босқич	Таҳлил қилинаётган давр оралигига ҳар битта худуднинг рейтинг ўрнини аниқ ифодалаш мақсадида ушбу рейтинг кўрсаткичларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш.
8-босқич	Худудларнинг экспорт бўйича рейтингини аниқлаш.
9-босқич	Рейтинг кўрсаткичларини ўзаро таққослаш орқали экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасига баҳо бериш
10-босқич	Худудлар рейтингларининг ўзаро мувофиқлик даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Баҳолаш услубининг назарий-услубий гипотезасини қуидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (1-расм).

¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.



1-расм. Худудлардаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш услубининг назарий-услубий гипотезаси¹.

Мазкур диссертацион тадқиқот доирасида ҳар бир худуддаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоғини ҳисоблашда қуйидаги усулларидан фойдаланиш таклиф этилди (3-жадвал).

3-жадвал.

Кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоғини ҳисоблаш усуллари

Кўрсаткич	Ҳисоблаш усули	Шартли белгилар
Худуд кичик бизнес субъектлари саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажмининг солиштирма салмоғи (CM_{CC})	$CM_{CC} = \frac{XCM_i}{MCM} \times 100$	XCM_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажми; MCM – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг солиштирма салмоғи (KXM_{CC})	$KXM_{CC} = \frac{XKXM_i}{MKXM} \times 100$	$XKXM_i$ – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми; $MKXM$ – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектлари қурилиш ишлари ҳажмининг солиштирма салмоғи (KI_{CC})	$KI_{CC} = \frac{XKI_i}{MKI} \times 100$	XKI_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари қурилиш ишлари ҳажми; MKI – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари қурилиш ишлари ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектлари асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг солиштирма салмоғи (I_{CC})	$I_{CC} = \frac{XI_i}{MI} \times 100$	XI_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми; MI – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари асосий капиталига киритилган инвестициялар ҳажми

¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

3-жадвал давоми.

Худуд кичик бизнес субъектлари чакана савдо айланмаси ҳажмининг солиштирма салмоғи (ЧС_{CC})	$\text{ЧС}_{\text{CC}} = \frac{\text{ХЧС}_i}{\text{МЧС}} \times 100$	ХЧС_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари чакана савдо айланмаси ҳажми; МЧС – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари чакана савдо айланмаси ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектлари бозор хизматлари ҳажмининг солиштирма салмоғи (БХ_{CC})	$\text{БХ}_{\text{CC}} = \frac{\text{ХБХ}_i}{\text{МБХ}} \times 100$	ХБХ_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари бозор хизматлари ҳажми; МБХ – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари бозор хизматлари ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектлари автомобил транспортида юк ташиш ҳажмининг солиштирма салмоғи (ЮТ_{CC})	$\text{ЮТ}_{\text{CC}} = \frac{\text{ХЮТ}_i}{\text{МЮТ}} \times 100$	ХЮТ_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари автомобил транспортида юк ташиш ҳажми; МЮТ – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари автомобил транспортида юк ташиш ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектлари автомобил транспорти юк айланмасининг солиштирма салмоғи (ЮА_{CC})	$\text{ЮА}_{\text{CC}} = \frac{\text{ХЮА}_i}{\text{МЮА}} \times 100$	ХЮА_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари автомобил транспорти юк айланмаси ҳажми; МЮА – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари автомобил транспорти юк айланмаси ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектлари автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажмининг солиштирма салмоғи (ЙТ_{CC})	$\text{ЙТ}_{\text{CC}} = \frac{\text{ХЙТ}_i}{\text{МЙТ}} \times 100$	ХЙТ_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажми; МЙТ – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектлари автомобил транспорти йўловчи айланмасининг солиштирма салмоғи (ЙА_{CC})	$\text{ЙА}_{\text{CC}} = \frac{\text{ХЙА}_i}{\text{МЙА}} \times 100$	ХЙА_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари автомобил транспорти йўловчи айланмаси ҳажми; МЙА – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари автомобил транспорти йўловчи айланмаси ҳажми
Худуд кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сонининг солиштирма салмоғи (БС_{CC})	$\text{БС}_{\text{CC}} = \frac{\text{ХБС}_i}{\text{МБС}} \times 100$	ХБС_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сони; МБС – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сони
Худуд кичик бизнес субъектлари товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг солиштирма салмоғи (Э_{CC})	$\text{Э}_{\text{CC}} = \frac{\text{ХЭ}_i}{\text{МЭ}} \times 100$	ХЭ_i – i-худуддаги кичик бизнес субъектлари товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми; МЭ – мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми

Ҳар бир ҳудуддаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмоғининг ўртача геометрик қиймати қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\bar{X}_{\text{ўр.геом.}j} = \sqrt[n]{\prod_{i=1}^n \frac{X_i}{M_i}},$$

бу ерда: $\bar{X}_{\text{ур.геом},j}$ – j-худуддаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича фаолият умумий кўрсаткичидаги солиштирма салмофининг ўртача геометрик қиймати;

X_i – j-худуддаги кичик бизнес субъектлари i-турдаги иқтисодий фаолиятининг қиймати;

M_i – кичик бизнес субъектлари i-турдаги иқтисодий фаолиятининг мамлакат бўйича қиймати.

Таҳлил қилинаётган давр оралиғида ҳар битта худуднинг рейтинг ўрнини аниқ ифодалаш мақсадида ушбу рейтинг кўрсаткичларининг ўртача йиллик қиймати қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{\bar{y}} = \frac{\sum_{i=1}^n P_i}{n},$$

бу ерда: $P_{\bar{y}}$ – таҳлил қилинаётган давр оралиғида муайян худуд рейтинг кўрсаткичларининг ўртача йиллик қиймати;

P_i – муайян худуднинг i-йилдаги рейтинг кўрсаткичи қиймати;

n – таҳлил қилинаётган даврдаги йиллар сони.

Худудларнинг экспорт бўйича рейтингини аниқлаш жараёнида:

ҳар бир худуддаги кичик бизнес субъектлари экспорт ҳажмининг мамлакат бўйича кичик бизнес субъектлари умумий экспорт ҳажмидаги солиштирма салмоғи йиллар бўйича аниқланади;

ҳар бир худуднинг йиллар бўйича солиштирма салмоғидан келиб чиқсан ҳолда рейтинг ўринлари берилади;

ҳар бир худуд бўйича йиллик рейтинг ўринлари қийматлари асосида рейтинг кўрсаткичларининг ўртача йиллик қиймати аниқланади.

Рейтинг кўрсаткичларини ўзаро таққослаш орқали экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасига баҳо бериш (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортининг худудлар бўйича солиштирма салмоғи бўйича рейтингининг иқтисодий фаолият турлари бўйича интеграл рейтингига мувофиқлик даражасини ўрганишда қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$TDR_{ij} = IC_{ij} - EC_{ij};$$

$$TDR_{i\bar{y}} = IC_{i\bar{y}} - EC_{i\bar{y}},$$

бу ерда: TDR_{ij} – i-худуддаги рейтинг кўрсаткичларини ўзаро таққослаш натижасида аниқланган ҳар йиллик тафовут;

$TDR_{i\bar{y}}$ – i-худуддаги рейтинг кўрсаткичларини ўзаро таққослаш натижасида аниқланган ўртача йиллик тафовут;

IC_{ij} – j-йилда i-худуднинг иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш бўйича рейтинг қиймати;

EC_{ij} – j-йилда i-худуднинг экспорт салоҳиятдан фойдаланиш бўйича рейтинг қиймати;

$IC_{i\bar{y}}$ – i-худуднинг иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш бўйича ўртача йиллик рейтинг қиймати;

$EC_{i\bar{y}}$ – i-худуднинг экспорт салоҳиятдан фойдаланиш бўйича ўртача йиллик рейтинг қиймати.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштириш йўлларини тадқиқ этишда соҳа экспорт фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлигини баҳолашни корхона (фирма), тармоқ (иқтисодий фаолият

тури), ҳудуд ва мамлакат (миллий иқтисодиёт) даражаларида амалга ошириш мумкин. Ушбу турли даражалардаги экспорт фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ўзининг миқёсига қўра фарқланади (4-жадвал).

4-жадвал.

Кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг турли даражалардаги кўрсаткичлари¹


Баҳолаш даражаси	Ҳисоблаш усули	Шартли белгилар
Корхона (фирма) даражасида экспорт фаолияти самарадорлиги	$\mathcal{E}C_K = \frac{\mathcal{E}HK_K}{\mathcal{E}X_K}$,	$\mathcal{E}C_K$ – кичик бизнес корхонаси (фирма) даражасида экспорт фаолияти самарадорлигининг умумий кўрсаткичи; $\mathcal{E}HK_K$ – кичик бизнес корхонаси (фирма) экспорт фаолиятининг умумий натижаси; $\mathcal{E}X_K$ – кичик бизнес корхонаси (фирма) экспорт фаолиятининг умумий харажатлари.
Тармоқ (иктисодий фаолият тури) даражасида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлиги	$\mathcal{E}C_T = \frac{\mathcal{E}HK_T}{\mathcal{E}X_T}$,	$\mathcal{E}C_K$ – муайян тармоқ (иктисодий фаолият) бўйича кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлигининг умумий кўрсаткичи; $\mathcal{E}HK_T$ – муайян тармоқ (иктисодий фаолият) бўйича кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг умумий натижаси; $\mathcal{E}X_T$ – муайян тармоқ (иктисодий фаолият) бўйича кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг умумий харажатлари.
Худуд даражасида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлиги	$\mathcal{E}C_X = \frac{\mathcal{E}HK_X}{\mathcal{E}X_X}$	$\mathcal{E}C_K$ – муайян худуд даражасида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлигининг умумий кўрсаткичи; $\mathcal{E}HK_X$ – муайян худуддаги кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг умумий натижаси; $\mathcal{E}X_X$ – муайян худуддаги кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг умумий харажатлари.
Мамлакат (миллий иқтисодиёт) даражасида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлиги	$\mathcal{E}C_M = \frac{\mathcal{E}HK_M}{\mathcal{E}X_M}$	$\mathcal{E}C_K$ – мамлакат (миллий иқтисодиёт) даражасида кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлигининг умумий кўрсаткичи; $\mathcal{E}HK_M$ – мамлакат (миллий иқтисодиёт) кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг умумий натижаси; $\mathcal{E}X_M$ – мамлакат (миллий иқтисодиёт) кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг умумий харажатлари.

Кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти самарадорлигини баҳолашда соҳа хусусиятларининг таъсирини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун кичик бизнес корхоналарининг экспорт фаолияти жараёнлари кесими бўйича самарадорлигини баҳолаш мақсадга мувофиқ. Бироқ, шуниси эътиборлики, кичик бизнес корхонаси (фирма) экспорт фаолиятининг умумий харажатларини жараёнлар бўйича аниқлаш имкони бўлсада, экспорт фаолиятининг умумий натижасини жараёнлар бўйича аниқлаш жуда мушқул иш ҳисобланади. Шунга кўра, кичик бизнес корхонаси экспорт фаолиятининг қўйидаги жараёнлари бўйича харажатларини аниқлаш ва улар асосида самарадорликни баҳолаш тавсия этилади: маркетинг тадқиқотлари ва маҳсулот рекламаси харажатлари (MPX); чет эллик харидорлар билан музокаралар харажатлари (XMX); экспорт

¹ Муаллиф ишланмалари асосида амалга оширилган.

шартномасини тузиш харажатлари (ШТХ); экспорт шартномасини рўйхатга қўйиш харажатлари (ШРХ); божхона юк декларациясини тўлдириш харажатлари (ДТХ); товарларни юклаш харажатлари (ТЮХ); транспортда юкни етказиш (логистика) харажатлари (ЛХ); экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш харажатлари (СХ); божхона расмийлаштируви харажатлари (БРХ); юкни харидорга жўнатиш харажатлари (ЖХ).

Мазкур диссертацион тадқиқот доирасида муаллиф томонидан кичик бизнес корхонаси экспорт фаолияти асосий жараёнлари бўйича харажатларини аниқлаш асосида самарадорликни баҳолашнинг қуидаги услуби тавсия этилади (2-расм).




2-расм. Кичик бизнес корхонаси экспорт фаолияти асосий жараёнлари бўйича харажатларини аниқлаш асосида самарадорликни баҳолаш услуби¹.

Бироқ, шуниси эътиборлики, мазкур ёндашувнинг амалий татбиқи корхона даражасида имкониятли бўлиб, тармоқ (иктисодий фаолият тури), ҳудуд ва мамлакат (миллий иқтисодиёт) даражасида уларнинг статистик кузатувлари ва маълумотлари мавжуд эмаслиги сабабли ундан фойдаланиш имкониятдан ташқарида ҳисобланади.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг ривожланиши тенденциялари» номли иккинчи бобида Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари томонидан экспорт фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-иктисодий жиҳатлари, ҳозирги шароитда кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳудудлар кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш масалалари тадқиқ этилган.

¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари томонидан экспорт фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-иктисодий жиҳатлари доирасида мамлакатда шаклланган экспорт фаолиятини амалга ошириш жараёнининг асосий босқичларини қўйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари томонидан товарлар (иш, хизматлар) экспортини амалга ошириш жараёни¹.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг ривожланишиш тенденцияларини тадқиқ этишда мазкур фаолият тури динамикасини қўриб чиқиши мақсадга мувофиқ (5-жадвал).

5-жадвал.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товарлар ва хизматлар экспорти, млн. долл.²

Худуд	2016	2017	2018	2019	2020	2016 й.га нисб. 2020 й.да, фоиз
Ўзбекистон Республикаси	3139,2	2759,3	3810,8	4714,7	3100,9	98,8
Корақалпоғистон Республикаси	32,5	40	46,8	88,3	78,2	240,6
Андижон	191,7	223,7	268,7	288,6	252,5	131,7
Бухоро	68,5	84,3	96,7	182,2	101,0	147,4
Жиззах	74,4	88,2	68,8	80,6	76,5	102,8
Қашқадарё	61,9	86,5	103	145,3	110,7	178,8
Навоий	76,7	60,4	103,4	95,1	50,3	65,6
Наманган	139,1	177	209	291,2	197,8	142,2
Самарқанд	213,6	214,8	251,1	305,4	191,8	89,8
Сурхондарё	54,7	109	168,5	176,8	134,8	246,4
Сирдарё	72,4	103,9	96,4	105	143,6	198,3
Тошкент	316,4	280,6	405,6	530,1	501,9	158,6
Фарғона	142,5	227,4	221,5	306,4	319,0	223,9
Хоразм	36,5	61,6	76,9	131,1	119,0	326,0
Тошкент ш.	469	526	725,1	734,2	578,1	123,3

¹ Мавжуд қонунчилик мөъёллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мазкур кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 2020 йилда мазкур кўрсаткич Республика бўйича 98,8%ни ташкил этган бўлса, худудлар кесимида олганда Хоразм вилоятида 3,3 марта, Сурхондарё вилоятида 2,5 марта, Қорақалпоғистон Республикасида 2,4 марта, Фарғона вилоятида 2,2 марта, Сирдарё вилоятида 2,0 марта, Қашқадарё вилоятида 1,8 марта, Тошкент вилоятида 1,6 марта, Бухоро вилоятида 1,5 марта, Наманган вилоятида 1,4 марта, Андижон вилоятида 1,3 марта ўсган.

Шунингдек, Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятининг ривожланиш тенденцияларини очиб бериш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортининг олдинги йилга нисбатан ўзгариши, экспортининг худудлар бўйича солиштирма салмоғи, бир бирлик кичик бизнес субъектига тўғри келувчи экспорт ҳажми, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятини худудлар бўйича кўрсаткичларининг рейтинги таҳлил қилинди.

Хозирги шароитда мамлакатда кичик бизнес субъектлари экспорт фаолияти “Amudar Plast” МЧЖ, “Sherobod Kimyo” МЧЖ, “Norchem” МЧЖ корхоналари мисолида монографик тадқиқ этилди. Таъкидлаш жоизки, экспорт фаолиятининг умумий натижасини жараёнлар бўйича аниқлаш эксперт баҳолаш орқали амалга оширилиб, эксперт баҳолари ёрдамида ҳар бир корхонадаги экспорт фаолияти жараёнлари бўйича экспорт ҳажмлари қиймати келтириб чиқарилди. Ушбу маълумотлардан фойдаланган ҳолда кичик бизнес корхоналари экспорт фаолиятининг асосий жараёнлар бўйича самарадорлиги аниқланди (6-жадвал).

6-жадвал.

Кичик бизнес корхоналаридаги экспорт фаолияти жараёнлари бўйича самарадорлиги, сўм¹

Экспорт фаолияти жараёнлари	«Amudar Plast» МЧЖ	«Sherobod Kimyo» МЧЖ	«Norchem» МЧЖ
Маркетинг тадқиқотлари ва маҳсулот реклами	2,35	1,80	5,07
Чет эллик харидорлар билан музокаралар	1,42	1,16	1,57
Экспорт шартномасини тузиш	1,92	1,19	2,83
Экспорт шартномасини рўйхатга қўйиш	2,07	1,32	1,67
Божхона юқ декларациясини тўлдириш	1,61	1,96	1,41
Товарларни юклаш	1,94	2,38	1,61
Транспортда юкни етказиш (логистика)	1,62	1,89	1,43
Экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш	1,89	1,48	2,09
Божхона расмийлаштируви	1,29	1,65	1,04
Юкни харидорга жўнатиш	1,38	1,35	1,34
Ўртча геометрик қиймати	1,72	1,58	1,80

Жадвал маълумотларидан кўринадики, экспорт фаолияти жараёнлари кесимида харажатларнинг муайян турлари бўйича нисбатан юқори самарадорлик қуидагича намоён бўлмоқда:

¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

1) “Amudar Plast” МЧЖ да: экспорт шартномасини рўйхатга қўйиш бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 2,07 сўмлик; юкни харидорга жўнатиш бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 1,38 сўмлик экспорт ҳажми тўғри келган; экспорт фаолияти жараёнлари бўйича самарадорликнинг ўртача геометрик қиймати 1,72 сўмни ташкил этган;

2) “Sherobod Kimyo” МЧЖ да: божхона юк декларациясини тўлдириш бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 1,96 сўмлик; товарларни юклаш бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 2,38 сўмлик; транспортда юкни етказиш (логистика) бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 1,89 сўмлик; божхона расмийлаштируви бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 1,65 сўмлик экспорт ҳажми тўғри келган; экспорт фаолияти жараёнлари бўйича самарадорликнинг ўртача геометрик қиймати 1,58 сўмни ташкил этган;

3) “Norchem” МЧЖ да: маркетинг тадқиқотлари ва маҳсулот рекламаси бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 5,07 сўмлик; чет эллик харидорлар билан музокаралар бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 1,57 сўмлик; экспорт шартномасини тузиш бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 2,83 сўмлик; экспорт қилинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича ҳар 1 сўмлик харажатга 2,09 сўмлик экспорт ҳажми тўғри келган; экспорт фаолияти жараёнлари бўйича самарадорликнинг ўртача геометрик қиймати 1,80 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш учун бу борада етарли даражада фойдаланилмаётган салоҳиятни баҳолаш мақсадида иқтисодий фаолиятнинг асосий турларининг кичик тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолияти билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилди (7-жадвал).

7-жадвал.

КБХТ субъектлари иқтисодий салоҳиятини баҳолашда фойдаланилувчи иқтисодий фаолият кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажми, млрд. сўм	39643,5	50654,5	61367,8	87962	83344,2	103020,8
Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўм	101198	118011	152011	191759	219467	253238,2
Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм	16954	19671	22469,4	37451,7	53960,9	63866,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	18072,1	20344,2	27515	47225,2	86886,8	96629,2
Чакана савдо айланмаси ҳажми, млрд. сўм	61972,3	78935,6	92973	114897	138921	164106,1
Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматлар ҳажми, млрд. сўм	47269,6	61346,2	69212,7	84433,4	103107	114052,7

7-жадвал давоми.

Автомобил транспортида юк ташиш ҳажми, млн. тонна	472,8	538,6	548,8	611,7	641	638,9
Автомобил транспорти юк айланмаси, млн. тонна-км	9225,1	10072,4	10444,4	11657,7	12152,3	12304,6
Автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажми, млн. йўловчи	4486,3	4866,5	5037,5	5242,6	5345	4904,8
Автомобил транспорти йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	99872,8	107790	111435	115335	117413	107766,7
Банд бўлганлар сони, минг киши	10170,4	10397,5	10541,5	10128,8	10313,4	9865,7

Мазкур жадвал маълумотлари асосида мамлакат ҳудудлардаги кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолият турлари бўйича интеграл рейтинги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортининг ҳудудлар бўйича солиштирма салмоғи бўйича рейтинги аниқланди.

Мамлакат ҳудудлари бўйича кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг якуний босқичида рейтинг кўрсаткичларини ўзаро таққослаш орқали экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасига баҳо бериш амалга оширилди. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортининг ҳудудлар бўйича солиштирма салмоғи бўйича рейтингининг иқтисодий фаолият турлари бўйича интеграл рейтингига мувофиқлик даражаси ўрганилди (8-жадвал).

8-жадвал.

